## Ўзбекистон—ЕТТБ:
# ҲАМКОРЛИКНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Standart & Poors (Стандарт энд Пурз) ва Moody (Муди) агентликларининг ушбу банкка берган энг юқори кредит рейтингида акс топган.

ЕТТБ ўз лойиҳалари ва жорий эҳтиёжларини халқаро капитал бозорларига маблағлар жалб қилиш орқали молиялайди. Берилаётган кредитларни молиялашда банк ўз сармоядорлари маблағларини ишлатмайди. Бунинг ўрнига, ўзининг олий кредит рейтингига биноан, ўз облигациялари ва бошқа қарз инструментларини халқаро бозорларга чиқариш воситасида паст фоизли маблағлар жалб этган ҳолда ушбу маблағлардан ўз кредит линияларини молиялаштиради.

Албатта, ЕТТБ муайян мамлакатда инвестицион лойиҳаларни амалга оширар экан, маълум мақсадларни кўзлайди. Лекин, айтиб ўтиш зарурки, бу инвестициялар ўша мамлакат учун муҳим ва долзарб бўлган жараёнлар ва соҳаларга қаратилгандир. ЕТТБ анъанавий маънодаги банк эмас, яъни унинг бош мақсади фойда кўришни кўзламайди. У ўз номи билан аъзо мамлакатларнинг тикланиши ва тараққиётига кўмак берувчи банкдир. Шу мақсадда устувор йўналишларни белгилаб боради. Бундай йўналишларга эса қуйидагиларни киритиш мумкин:

— иқтисодиётни таркибий ўзгартириш ва маълум тармоқ ислоҳотларининг ўтказилишига кўмаклашиш;

— миллий иқтисодиётда рақобат, хусусийлаштириш ва тадбиркорликни ривожлантириш;

— молия ташкилотлари ва ҳуқуқий тизимни мустаҳкамлаш;

— кичик ва ўрта бизнесни, хусусий секторни қўллаб-қувватлаш учун зарур бўлган инфратузилмани ривожлантириш;

— самарали корпоратив бошқарув тизимини жорий этишга ёрдам бериш;

— атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик муаммоларни ҳал этиш ва бошқалар.

**— Ўзбекистон-ЕТТБ ҳамкорлиги ҳақида ҳам батафсилроқ сўзлаб берсангиз.**

— Ўзбекистон 1992 йилнинг апрелида ЕТТБнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлди. Орадан бир йил ўтгач, республикамизда ушбу халқаро ташкилотнинг ваколатхонаси очилди. Сармоядор сифатида Ўзбекистон 42 млн. евро қийматидаги 4200 акцияга эга.

Мамлакатимизда ЕТТБ иштирокида илк лойиҳа 1993 йилдан амалга оширила бошланган. Ўтган давр мобайнида умумий қиймати 1,4 млрд долларга тенг 20 та лойиҳа — шу жумладан, тоғ-кон саноати, ёқилғи-энергетика тизимига оид лойиҳалар рўёбга чиқарилди. Бу маблағнинг 723,8 млн. доллари ЕТТБ ҳиссасига тўғри келади.

Банк, шунингдек, кичик ва ўрта бизнесни ҳам фаол қўллаб-қувватламоқда. Ушбу йўналишга ажратилган маблағ 200 млн. долларни ташкил этди. Жорий йилда ҳам кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга қаратилган жами қиймати 100 млн. долларга тенг учта кредит линияси имзоланиши кутилмоқда.

Ҳамкорликнинг муҳим йўналишларидан яна бири— бу молиявий сектордир. ЕТТБ иштирокида республикамизда иккита банк — "АБН-АМРО банк" ва "ЎзДЭУбанк" ҳамда битта халқаро лизинг компанияси — «Ўзбеклизинг» фаолият кўрсатмоқда. Мамлакатимизнинг йирик банкларидан "Асакабанк"ни эса хусусийлаштиришга тайёрламоқда. ЕТТБ ушбу лойиҳага 30 млн. доллар киритиши мўлжалланмоқда.

Маълумки, республикамиз экспорт салоҳиятини оширишда енгил саноатнинг алоҳида ўрни бор. Бу соҳани ривожлантиришга ҳам банк ўз ҳиссасини қўшмоқда. Жумладан, "Косонсой-Текмен" қўшма корхонаси томонидан ишлаб чиқилган лойиҳани амалга ошириш учун 10 млн. доллар ва унинг фаолиятини янада такомиллаштириш учун 14 млн. доллар миқдорида кредит ажратилган. Шу билан бирга, ЕТТБ "Зарафшон-Ньюмонт" қўшма корхонасини молиялаш учун 112 млн., Тошкент аэропортини таъмирлаш учун 36 млн., Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи учун 90 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит ажратганини ҳам айтиб ўтиш жоиз.

Бугунги кунда Тошкент шаҳрининг сув ва иссиқлик таъминотини яхшилашга қаратилган умумий қиймати 40 млн. долларлик икки лойиҳа ҳам амалга оширилмоқда. Республикамиз иқтисодиётининг турли соҳаларини ривожлантириш учун эса умумий қиймати 320 миллион АҚШ долларига тенг бўлган саккизта лойиҳани рўёбга чиқариш бўйича тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

**— Энди бевосита ЕТТБ Бошқарувчилар Кенгашининг XII йиллик йиғилишига ҳам тўхталиб ўтсангиз...**

— Республикамизда ушбу анжуманнинг юксак даражада ўтказилишига тайёргарлик ишлари ниҳоясига етмоқда. Хусусан, Тошкент шаҳрида мавжуд меҳмонхоналарни таъмирлаш ва бир қатор янги меҳмонхоналарни қуриш юмушлари якунланмоқда. Апрель охирига бориб, пойтахтимиз анжуманга келадиган икки ярим мингга яқин хорижий иштирокчиларни қабул қилишга тайёр бўлади.

Яна шуни алоҳида таъкидлаб ўтишни хоҳлардимки, Ўзбекистон ва Европа Тикланиш ва тараққиёт банки ўртасидаги ҳамкорлик узоқ муддатга мўлжалланган бўлиб, ўзаро ишонч ва ҳурмат асосида қурилгандир. Ушбу ҳамкорлик фақатгина молиявий томон билан чегараланиб қолмай, балки умуминсоний қадриятлар, жамият ривожи, демократия тараққиёти каби долзарб йўналишларни ҳам ўз ичига олади. ЕТТБ Бошқарувчилар Кенгаши йиллик йиғилишининг пойтахтимиз Тошкентда бўлиб ўтиши фақат ушбу ҳамкорликнинг меваси бўлиб қолмай, балки республикамизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларга ЕТТБ томонидан бўлган ишончнинг намунаси ҳамдир.

**"Халқ сўзи" мухбири Икром ЎТБОСАРОВ суҳбатлашди.**

*Маълумки, маънавият миллий истиқлол ғояси ва мафкурасини шакллантирувчи энг долзарб масала бўлиб, давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Чунки миллий маънавият, миллий маданият шаклланмаган, ривожланмаган мамлакат иқтисодий баркамолликка эришмайди. Шу сабабли Президентимиз Ислом Каримов бу масалага алоҳида эътибор қаратиб маънавиятни иқтисодий ривожланишнинг ҳам асосидир деган эдилар. Мустақиллик йилларида республикамизнинг маънавий-маърифий ҳаётида сезиларли, асрларга тенг ўзгаришлар юз берди. Миллий анъаналаримиз ва асрий қадриятларимизнинг ҳаётимиздаги ўрни янада мустаҳкамланмоқда. Жамият маънавиятини янада юксалтириш борасида ўзига хос йўлдан бораётган мамлакатимиз олий ўқув юртларида, шунингдек, академик лицейлар ҳамда касб-ҳунар коллежларида «Маънавият асослари» ўқув курсини ўқитиш йўлга қўйилганидан буён 6 йил вақт ўтди. Бу даврда мазкур фаннинг мақсади ва вазифалари хусусида муайян тасаввур ҳосил бўлди, унинг самарадорлигини, тарбиявий аҳамиятини ошириш юзасидан услубий педагогик қарашлар тизими шаклланди.*

Китоблар оламида

# «Маънавият асослари»

«Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ бу йўналишда саъй-ҳаракатлар янада кучайтирилиб, бир қатор мақолалар, маъруза матнлари ва бошқа рисолалар чоп этилди. Шундай бўлса ҳам бу мавзу долзарб масалалардан бири бўлиб келар эди. Таниқли олим ва муаллифлар — Собитхон Носирхўжаев, Мойли Лафасов, Муҳаммаджон Зариповлар томонидан тайёрланган «Маънавият асослари» ўқув қўлланмаси «Фан» нашриётида босмадан чиқди.

Мазкур қўлланма «Маънавият асослари» борасида яратилган дастлабки ижодий интилишнинг маҳсули сифатида қимматлидир. Қўлланма икки боб, 16 параграфдан иборат бўлиб, илмий асосда, оддийликдан мураккаблик томон изчил ўрганишга мослаб яратилган. Унда маънавият ва маърифат асослари масалалари қамраб олинган, бутун ўқув дастури мазмуни сингдирилган.

Қўлланманинг «Маънавиятнинг ривожланиши ва унинг жамият сиёсий, иқтисодий ҳаётидаги ўрни» деб номланган биринчи бобида ушбу фаннинг аҳамияти, тушунча ва таърифи ҳамда маънавий мерос ва миллий қадриятлар муфассал илмий маълумотлар асосида баён қилиб берилган. Шунингдек, жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва миллий ғоя, мафкура, маънавият, маърифат ва иқтисодиёт, уларнинг ўзаро муносабатлари ҳамда жамият ҳаётида тутган ўрнига эътибор қаратилган.




Муаллифлар ўқув қўлланманинг «Дин ва маънавият, ислом дини ва тасаввуф таълимотида маънавий баркамол инсон масаласи» бўлимида ислом ўзининг бутун тарихи давомида ўз ғояларини миллионлаб инсонларнинг онгига сингдириб келаётганлигини, айни ана шу ғоялар ер куррасидаги барча мусулмонларнинг нафақат имон-эътиқодига, балки ҳаёт мазмунига айланганлигини урғулайдилар. Бу табиий бир ҳолдир.

Умумбашарият маданиятининг ажралмас қисми ҳисобланган Ислом маънавияти ва маданияти эътиқод қилувчи турли миллат вакиллари томонидан ривожлантирилиб борилган. Шуни таъкидлаш жоизки, Мовароуннаҳр қўшни ҳудудлар — Шарқий Туркистон, Қозоғистон, Кавказ ва Россия учун илм-маърифат маркази — устозлик, муаллимлик мақомида бўлиб келган. Шу билан бирга китобда жангари диний оқимлар, диний экстремизм ҳалокатли куч эканлиги, халқаро терроризмнинг таҳдиди тушунарли тарзда баён қилиб берилган.

Қўлланмада «экстремизм» сўзи ҳаддан ошган, энг охирги қараш, сиёсат майдонида ўз қарашларини амалга оширишда энг сўнгги чораларни қабул қилиш тарафдори каби маъноларни бериши кўрсатилган. Фундаментализм сўзини ўзбекчага ағдарганда «негиз, асос» маъносини беради. Ислом экстремистлари қадимги ислом ғояси ва анъаналарни қайта тиклаш байроғи остида террорчилик, суиқасд уюштириш билан шуғулланадилар. Муаллифлар бу оқимларнинг инсоният ҳаёти учун зарарли эканини очиб берганлар. Шуниси эътиборлики, амалий машғулот асосида тасаввуф тариқати ва унга зид оқимларга қарши кураш вазифалари ўқувчиларнинг такрорлашлари учун эслатмалар сифатида батафсил ёритиб берилган.

Қўлланманинг энг муҳим ютуқларидан бири шундаки, муаллифлар табиат ва инсон, маънавият ва маърифат муштараклигини, ёшларимизнинг билим олиш ҳамда касб-ҳунар эгаллаши — инсонийлик шарти эканлигини, иқтисодий ислоҳотлар шароитида маънавий юксалишнинг зарур назарий, амалий томонларини, истиқлол ва истиқбол йўлидаги республикамизда олиб борилаётган сиёсатни чуқур изоҳлаб берганлар.

Муаллифлар маҳалла муҳити, оила, маънавият миллий тараққиётимиз кафолатлари, маросимларнинг халқ ва шахс маънавияти кўзгуси эканлиги, мустақилликни мустаҳкамлашдаги роли ҳақида қизиқарли маълумотларни содда, тушунарли келтирадилар.

Қўлланмада ҳар бир боб ва бўлимлардаги мавзуларда маънавият ва унинг жамият ҳаётидаги ўрни, Марказий Осиё халқлари маънавияти ва маданияти тарихи, баркамол инсоннинг маънавий фазилатлари мавзусига доир донишмандларимизнинг доно фикр ва мулоҳазалари кенг ўрин олган. Шунингдек, амалий машғулотларда ҳам бу масалага жиддий ўрин берилади. Муаллифлар маънавиятнинг табиат билан алоқаси ва жамият ижтимоий маърифий ҳаётидаги ўрни, Юртбошимиз Ислом Каримовнинг бу ҳақдаги қарашларини ҳам келтирган. Ўтмиш билан ҳозирги давр, тарихий воқеа ҳақида жараёнлар ҳаққоний ва маҳорат билан баён қилиб берилган. XXI аср маънавият асри экан, бу масалани мумкин қадар чуқур англашимиз лозимлиги кўрсатиб ўтилган.

Мазкур қўлланма 20 минг нусхада чоп этилган. Республикамизда 860 та ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари фаолият кўрсатиб, уларда ярим миллиондан кўпроқ ўқувчи-ёшлар таҳсил олаётган бир пайтда бу жуда камлик қилади. «2005 йилларга келиб республикамизда 1611 та касб-ҳунар коллежлари, 181 та академик лицейдан иборат бўлган ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юртлари бунёд этилиши кўзда тутилган» *(И. А. Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т., «Ўзбекистон» 1999. 397-бет).* Бу эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда мазкур қўлланмани кўпроқ нусхада чоп этиш мақсадга мувофиқдир.

«Маънавият асослари» фанини чуқур ўзлаштириш учун мазкур қўлланмани дарсликка айлантиришда Темурийлар даври маънавияти киритилса айни муддао бўлар эди.

Зеро, маънавият ва маърифат инсон ҳамда жамиятнинг қонуний ривожланишининг асосий мезони, комил инсон тарбиясининг муҳим воситаси ҳамдир. Ёшлар онгига, баркамол авлодга сиёсий маданиятни, истиқлол мафкурасини ва маънавиятини чуқурроқ сингдириш барча муаллимларнинг энг муҳим бурчидир.

**Нажмиддин КОМИЛОВ, филология фанлари доктори, профессор.**

UZDUNROBITA first cellular

1 АПРЕЛДАН БОШЛАБ ТАРМОҚЛАР БИРЛАШДИ!

GSM D·AMPS

ЭНДИ "UZDUNROBITA" НИНГ GSM ВА D·AMPS ТАРМОҒИ МУШТАРИЙЛАРИ ЎРТАСИДАГИ БАРЧА КИРУВЧИ ҚЎНҒИРОҚЛАР ҲАММА ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ РЕЖАЛАРИ УЧУН

БЕПУЛ!

D·AMPS GSM

ТОШКЕНТДАГИ СЕРВИС МАРКАЗИ МАНЗИЛИ:
УСМОН ЮСУПОВ КЎЧАСИ, 16 УЙ ("ЛАБЗАК")
WWW.UZDUNROBITA.UZ

КЕЧАЮ-КУНДУЗ МАЪЛУМОТЛАР ХИЗМАТИ:
130-09-09, 131-09-09, 103-09-09,
"УЗДУНРОБИТА" ҚК ТЕЛЕФОНЛАРИДАН - 611

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАШТИРИЛГАН

Болалар спорти

# ШУНҚОРЛАР

*Ота-ўғил қий-чувга тўлган залга кириб келганларида «жанг» шиддатли тус олганди. Чарм қўлқопли ўғлонларнинг бири шер бўлди, иккинчиси йўлбарс. Зарбалар дўл мисол ёғилди. Ҳар зарбаки, унча-мунча йигит дош беролмагай.*

Ниҳоят олишув оёқлади. Тумонат одам, айниқса, ҳов наридаги сабза мўйловли ўсмирлар Алишернинг ўғлини қарсаклар билан кутиб олди. Нега қувонмасин, ахир бир маҳалладан бўлишса, бирга ўқишса.

Алишер рингда кийикдай чаққонлик, ўлжага ташланган бургутдай абжирлик билан рақибининг кўзини очирмай қўйган ўғлининг навбатдаги кучли зарбасини йўллаганида «Яшавор, ота ўғил!» деб юборганини ўзи ҳам билмай қолди. У ота-онасига, мактабига, маҳалласига шуҳрат келтирган, бокс ихлосмандларига бир олам завқ-шавқ улашган ғолиб ўғлини олқишлар эди.

Мусобақалар якун топиб, ғала-ғовур босилгач, Алишер атрофга разм солди.

— Зал кенг, ёруғ экан, — кўнглидан ўтказди у. — Лекин анжомларни янгилаш керак.

Орадан бир ҳафта ўтиб-ўтмай тадбиркор Алишер Розиқов мактабга 280 минг сўмлик спорт жиҳозлари совға қилди.

— Бола соғлом бўлсагина яхши ўқийди, ота-онасининг ёнига кириб, қўлидан ишини олади, — деди у. — Боласини нимжон, инжиқ, касалманд бўлишини истамаганлар спорт билан шуғуллантирсин.

Алишер муаллимлар билан хайрлашаркан, яна нима зарур бўлса, олиб беришга тайёрлигини айтди. Асака туманидаги 38-мактаб ўқувчилари орасидан бугун ажойиб спортчилар етишиб чиқаётгани ва улар нафақат туман, вилоят шарафини, балки нуфузли мусобақаларда мамлакатимиз байроғини баланд кўтараётган эканлар, бунда Алишер Розиқов сингари фидойиларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Бокс бўйича номдорлар сирасига кириб қолган битирувчи синф ўқувчиси Л.Раҳматуллаев, А.Мирзараҳимов, ўнинчи синфда таҳсил олаётган Ф.Тошматовлар бугун юрт шаънини улуғламоқда.

— Болалар спорти давлат сиёсати даражасига кўтарилди, — дея гап бошлайди туман маорифчилари сардори Мақсудахон опа Насриддинова. — Бу мураббийлар зиммасига катта масъулият юклайди. Ўйлаб кўрсак, амалга оширган ишларимиздан ҳам қўл урмаган юмушларимиз кўп экан. 51 та мактабдан 31 тасида футбол, 18 тасида мини футбол, 8 тасида баскетбол майдони, 37 мактабда стол тенниси мавжуд. 29 та мактабимиз спорт залига эга. Яқинда 24-, 42- ўқув даргоҳлари залларини таъмирдан чиқардик. Жисмоний тарбия соатларига спортнинг бадиий гимнастика, оғир атлетика турларини олиб кирмоғимиз талаб этилмоқда. Бундан ташқари, мактабларимизда сузиш ҳавзаларига зарурат сезилмоқда. 2005 йилга қадар яна 14 та мактабда кураш ва футбол майдони ташкил этиш таклифи билан чиқдик. Ҳокимиятдаги масъуллар, мутахассислар бу масалани кўриб чиқдилар. Кейинги йилларда туман ҳокимлиги мактабларда спортни ривожлантиришга катта эътибор қаратишини инкор этолмаймиз. Ўтган йили турли мусобақалар ўтказиш ва унда ёшларимизнинг мунтазам иштирокини таъминлаш мақсадида 252 минг сўм маблағ ажратилди. 166 минг сўмлик спорт анжомлари олиб берилди.



*Бугунги кунда жисмоний тарбия ва спортга берилаётган эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилгани боис, юртимизнинг чекка-чекка қишлоқларида ҳам спортнинг кўпгина турлари бўйича ўзлигини кўрсатаётган ёшлар сони тобора ортиб бормоқда. Андижон вилоятидаги Хўжаобод туманида ҳам елкаси ерга тегмаган полвонлар кўп. Айни пайтда туманда 20 нафардан ортиқ белбоғли кураш бўйича Ўзбекистон чемпиони, 4 нафар Ўрта Осиё чемпиони бор. Бу ерда 17 та кураш билан шуғулланишга мослаштирилган машғулот жойлари бўлиб, унда 10 ёшдан 18 ёшгача бўлган ўсмирлар кураш сир-асрорларидан сабоқ олмоқдалар.*

*СУРАТДА: хўжаободлик ёш полвонлар.*

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

«Шарқ ҳақиқати» ширкат хўжалиги салкам ўн гектарлик жойни спорт мажмуасига ажратиб берди. Худди шу ерда футбол мактаби вужудга келди. Спортни ҳаётининг ажралмас қисми деб билганлар мажмуада бокс, эркин кураш, волейбол, баскетбол, югуриш сингари ўнга яқин спорт тури билан шуғулланиш имкониятига эга бўлди. Бу ерда тўққиз нафар мураббий ҳар бир машғулотнинг қизиқарли ва мазмунли ўтиши учун қайғуради.

Футбол секциясининг 289 нафар иқтидорли спортчиси бор. Болалар 26 гуруҳга бўлиниб, ўз маҳоратларини оширмоқдалар. Мазкур мактаб болалари ўтган йили вилоят босқичида иккинчи ўринга сазовор бўлдилар. 16 нафар чарм тўп устаси вилоят спорт мактабига ўқишга таклиф этилди. Улар ҳадемай мамлакат спортининг юлдузлари бўлсалар, ажаб эмас.

Спортнинг оммалашуви, машғулотларнинг қай даражада ўтиши кўп жиҳатдан мураббий маҳоратига боғлиқ. Маорифчилар ёшлар устозларини танлашда уларнинг спорт борасидаги билими ва тажрибаси, изланувчан ва ташаббускорлигига, фидойилигига эътибор қаратдилар. Асака мактабларида фаолият кўрсатаётган 92 нафар жисмоний тарбия муаллими ана шу синовдан муваффақиятли ўтган мураббийлардир.

Асакаликлар жисмоний тарбия машғулотларини шу йилдан бошлаб мактабгача тарбия муассасаларига ҳам олиб кириш ниятидалар.

Бутун мамлакат ёшларини ўз болаларим, дилбандларим деб бағрига олган ва уларнинг порлоқ келажаги учун тинимсиз ғамхўрлик қилаётган Юртбошимизнинг болалар спортини ривожлантириш йўлидаги саъй-ҳаракатлари халқимиз юрагига чўғ ташлади, десак сира муболаға қилмаган бўламиз. Асака туманида, гувоҳ бўлганимиздек, вилоятда ўсиб келаётган ёш авлодни ақлан етук, жисмонан баркамол бўлиб етишишларида кенг кўламли ишлар бошлаб юборилди. Вилоят ҳокимлиги яна бир хайрли ишга қўл урди. Андижонда февраль-март ойларида «Соғлом оила» спорт мусобақалари ўтказилди.

Буларнинг ҳаммаси шунқорлар учун ҳавас қилса арзигулик ва бир умрга татигулик туҳфадир.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Навбатдаги инсонпарварлик ёрдами

Германиянинг "Friedensdorf International" халқаро хайрия ташкилоти томонидан инсонпарварлик тиббий ёрдами доирасида Ўзбекистонга навбатдаги юк жўнатилди.

Ушбу инсонпарварлик юки "Соғлом авлод учун" жамғармасига юборилган бўлиб, республика болалар шифохоналари ва «Меҳрибонлик уйлари»ни жиҳозлаш учун мўлжалланган.

Умумий вазни 12 тоннага яқин ва қиймати 100 минг евро миқдоридаги мазкур юк таркибида тиббий ускуналар, кийим-кечаклар ва пойабзаллар бор.

**Аслам АКБАРОВ.**
**"Жаҳон"АА. Берлин.**

## Танлов байрамга айланди

Республика «Камолот» Ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан мамлакатимизнинг коллеж, лицей ва мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказиб келинаётган «Сиз тарихни биласизми?» кўрик танловининг бу йилги якуний босқичи Бухоро шаҳрида бўлиб ўтди. Танловнинг тарихий обида — Пойи калон мажмуасида бўлиб ўтиши ёшларимизни тарихий ёдгорликлар ва аждодларимиз меросини яқиндан ўрганишга, она юртимизга бўлган меҳрини янада оширишга хизмат қилади.

— Мамлакатимизнинг қатор туманларидан келган 14 жамоанинг ҳар бир чиқиши бир олам. Танловга пухта тайёргарлик кўрган, билимга чанқоқ ва зукко ёшлардан таркиб топган жамоаларни бир-биридан устун қўйиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам ғолиб жамоаларни саралаш анча қийин кечди, — дейди ҳаракатнинг марказий кенгаши бўлим мудири А.Набиев.

Танлов якунига кўра 1-ўрин Бухоронинг «Сухор», 2-ўрин Жиззахнинг «Истиқлол» ва 3-ўрин Хоразмнинг «Муаррих» ва Навоий вилоятининг «Мозий маржонлари» жамоаларига насиб этди. Ғолиблар олтин, кумуш, бронза медаллари ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

«Сиз тарихни биласизми?» кўрик танловининг бу йилги якуний босқичини ҳақиқий дўстлик байрамига айланди дейиш мумкин. Танловдан кўзланган яна бир мақсад ёшларни билим олишга, тарихимизни чуқур ўрганишга қизиқтириш эди. Бизнингча, унга озми-кўпми эришилди.

**Баҳодир ФАЙЗИЕВ.**

# ҚАРЗ

Яна тўйлар ҳақида ўйлар

Яқинда ўғлини уйлантирган ошнамнинг шифохонага тушиб қолганини эшитиб, кўргани бордим. Салом-аликдан сўнг касаллик сабабини суриштирдим.

— Э, асти сўрама. Ҳолимдан хабар олгани фақат кимдан қарз олган бўлсам ўшалар келяпти. Шундан ҳам дардим сабабини билсанг бўлади, — деди у чуқур хўрсиниб.

Унинг айтишича, қарз деган бало тўй бошланмасдан бурун бошланибди. Бўлғуси келин учрашувга чиқишни талаб қилибди. Бунинг нимаси ёмон, дерсиз? Аммо туғилгандан буён ака-сингил бўлиб бирга вояга етган йигит-қизнинг учрашиши нимаси? Ҳаммаси яна чиқимга бориб тақаларкан. Куёв бу учрашувда келинга бир неча ўн минг сўмлик совға бериши лозим экан.Ундан кейин тўйни ихчам ўтказишни маслаҳатлашиш учун ўн чоғли хотин кенгашга келибди. Бу томондан йигирма чоғли хотин маслаҳатга тўпланибди. Қарабсизки, тўй олдидан яна бир тўй бўлибди. Ошнам тишини тишига босибди. Аммо бунақа тўйчаларнинг охири кўринмасмиш: «Молёяр» деб тўрт хотин келибди, куёв томондан ўн хотин уларга қўшилибди. Бу ёқда хонандалар, у ёқда пул ишлаш, қистириш пойгаси бўлибди. Эртасига қуда томондан яна бир эркагу, икки хотин эшик оғзида турганмиш. Суриштирса улар келин тушадиган уйни безаб, парда осиб кетгани келишган экан. Яна қозон-ўчоқ, югур-югур бўлибди. Камига уларнинг чўнтагига қуда бобо «атагани»ни солиб ҳам қўйибди.

Шулар билан ошнамнинг тўйга атаб йиққан пуллари тугабди.

— Қарз кетар — келин ёнга қолади, — деган хотинининг «ҳикматли» гапига амал қилиб, ошна-оғайниларидан қарз кўтаришни бошлабди. Никоҳдан ўтиш учун — пул, тўй куни эрталаб бериладиган наҳорги ош учун — пул, оқшомги никоҳ базми ўтказиш учун — пул... Дўстим бечора тунги ур-тўпалон, «қистир-қистир» базмидан ҳориб-чарчаб, чўнтаклари бўшаб, «Қарзим қанча бўлди экан?» деб ҳисоблаб турса, хотини келиб қолибди.

— Ҳисоб-китоб қилишга шошилманг, дадаси, ҳали эрталаб келин салом бўлади. Ҳар саломига атаганингизни ташлайсиз. Ундан кейин олдинда чарлар турибди. Унга ўттизта тоғора билан, битта қўчқор олиб боришимиз керак. Пулингиз қолмаган бўлса, қарз излашни бошланг! — дебди.

Хотинининг охирги сўзларини эшитар-эшитмас оғайним бечора кўксини чангаллаганча ерга қулабди.

Азизлар, бу ҳар куни, ҳар биримизнинг кўзимиз олдида бўлаётган маросимлар. Наҳотки шунчалик сарф-харажатлар шарт бўлса? Ким бизни мажбур қиляпти буларга? Ҳеч ким! Ҳа, ҳеч ким! Маҳалла-кўйдан қолмайин, деган андиша билан буни ўзимиз қиляпмиз. «Қарз» отлиқ кишанга ўзимизни ўзимиз боғлаб беряпмиз. Аслида бундай дабдабалардан аллақачон воз кечиш даври келган. Шундай эмасми?

**Йўлдош МАНСУРОВ.**


## «G'ALLA-ALTEC» ОАЖ

**акциядорларининг ўтказилган умумий йиллик йиғилиши ҳақида маълумот**

Йиғилиш ўтказиш тури — **очиқ.**
Ўтказилган сана — **2003 йил 27 март.**
Ўтказилган жойи — **Тошкент шаҳри, Элбек кўчаси, 37-уй.**

**Йиғилишда қабул қилинган қарорлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январдаги «Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони сўзсиз ижро учун қабул қилинсин.
2. ОАЖ бошқаруви раиси тасдиқлансин ва меҳнат шартномаси бир йилга тузилсин.
3. ОАЖнинг 2002 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти ҳақидаги ҳисобот ва 2003 йилга белгиланган вазифалар тасдиқлансин.
4. 2002 йил даромад ва камомадлари тақсимоти ва йиллик бухгалтерлик баланси тасдиқлансин.
5. ОАЖнинг 2002 йил молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш бўйича аудитор хулосаси тасдиқлансин.
6. ОАЖнинг 2002 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти бўйича тафтиш ҳайъатининг ҳисоботи тасдиқлансин.
7. 2002 йилнинг 2-ярми бўйича ҳар бир акция учун дивиденд миқдори 500 сўм қилиб белгилансин.
8. ОАЖнинг 2003 йилга аудитори қилиб, «Dunyo-Audit» компанияси тасдиқлансин.
9. ОАЖнинг 2003 йилдаги сарф-ҳаражатлар ва даромадлар сметаси ҳамда тақдим қилинган бизнес-режаси тасдиқлансин.
10. Кузатув кенгашининг 2002 йилда қилган ишлари ҳақидаги ҳисобот маълумот учун қабул қилинсин.
11. Кузатув кенгашининг янги таркиби тасдиқлансин.

7189/820

**Кузатув кенгаши.**



САВДО ВА ТИЖОРАТГА КЎМАКЛАШУВЧИ

## «САВДОГАР»

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ КЕНГАШИ

ЎЗ АКЦИЯДОРЛАРИГА АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ 2003 ЙИЛ 26 АПРЕЛЬ КУНИДАН 2003 ЙИЛ 2 МАЙГА КЎЧИРИЛГАНЛИГИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

**Йиғилиш 2 май куни соат 10.00да Тошкент шаҳри, Саййид Барака кўчаси, 76-уйда ўтказилади.**

**КУН ТАРТИБИ:**

1. «Савдогарбанк»нинг 2002 йил фаолияти якунлари ва банк фаолиятининг 2003 йилги асосий вазифалари тўғрисида.
2. «Савдогарбанк»нинг 2002 йил ҳисоботи, бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида.
3. «Савдогарбанк» тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида.
4. «Савдогарбанк» кенгаши, тафтиш комиссияси ва бошқарувининг таркибини тасдиқлаш тўғрисида.
5. Банк ташқи аудиторини тасдиқлаш тўғрисида.
6. Банкнинг 2002 йил фаолияти бўйича дивиденд тўлаш тўғрисида.
7. Турли масалалар.

**Акциядорлар қайд этилган манзилда соат 8.30дан 9.45гача рўйхатга олинади.**

*Банк кенгаши.*

7215/866

**Маълумот учун телефонлар: 54-18-65, 56-59-82.**



## «INTERNEWS-NETWORK»

**ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ВАКОЛАТХОНАСИ**

**ФАРҒОНА ШАҲРИДА ЯНГИ «ТЕЛЕКЎРСАТУВЧИЛАР ТАРМОҒИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ»**

**ЛОЙИҲАСИ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ИШ ЎРИНЛАРИГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ УЧУН**

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

«Телекўрсатувчилар тармоғини ташкил этиш» (Network Creation) лойиҳасини амалга ошириш бўйича қуйидаги иш ўринларига ходимлар қабул қилинади:

- тармоқ директори (Network Director);
- техник ёрдамчи (Technical Assistant);
- техник маслаҳатчи (Technical Consultant);
- маркетинг мутахассиси (Marketing Specialist);
- дастурлаш мутахассиси (Programming Specialist).

Танлов шартлари:

- профессионал иш тажрибасига эга бўлиш;
- тегишли соҳада маълумотга эга бўлиш;
- тегишли техник ва электрон асбоб-ускуналарда, жумладан компьютерда (Microsoft Office, Microsoft Excel, Интернет, электрон почта) ишлай олиш;
- ишчанлик, интилувчанлик, муомала лаёқати;
- ўзбек ва рус тилларини билиш (инглиз тилини биладиганларга афзаллик берилади);
- интизомлилик.

*Ходимлар ишга танлов асосида синов муддати билан қабул қилинади.*

Қизиққан шахслар 2003 йил 25 апрелгача ўзбек, рус ёки инглиз тилларида ёзилган резюмеларини қуйидаги манзилга юборишлари лозим:

**700070, Тошкент шаҳри, Камол Жалилов кўчаси, 31-уй.**
**Тел./факс: 152-40-44/45/46/47.**

E-mail: office@internews.uz



## «INTERNEWS-NETWORK»

**ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ВАКОЛАТХОНАСИ**

**ЯНГИ «ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ ДАСТУРИ»**

**ЛОЙИҲАСИ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ИШ ЎРИНЛАРИГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ УЧУН**

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

«Фуқароларнинг ҳуқуқий фаоллигини ошириш дастури» (Legal Activism Program) бўйича қуйидаги иш ўринларига ходимлар қабул қилинади:

- продюсер/бошловчи (Producer/anchor);
- юрист/маслаҳатчи (Lawyer/Consultant);
- ишлаб чиқарувчи ёрдамчиси (Production Assistant);
- таржимон (Interpreter);
- тасвирчи/муҳаррир (Camera Operator/Editor).

Танлов шартлари:

- профессионал иш тажрибасига эга бўлиш;
- тегишли соҳада маълумотга эга бўлиш;
- тегишли техник ва электрон асбоб-ускуналарда, жумладан компьютерда (Microsoft Office, Microsoft Excel, Интернет, электрон почта) ишлай олиш;
- ишчанлик, интилувчанлик, муомала лаёқати;
- ўзбек ва рус тилларини билиш (инглиз тилини биладиганларга афзаллик берилади);
- интизомлилик.

*Ходимлар ишга танлов асосида синов муддати билан қабул қилинади.*

Қизиққан шахслар 2003 йил 25 апрелгача ўзбек, рус ёки инглиз тилларида ёзилган резюмеларини қуйидаги манзилга юборишлари лозим:

**700070, Тошкент шаҳри, Камол Жалилов кўчаси, 31-уй.**
**Тел./факс: 152-40-44/45/46/47.**

E-mail: office@internews.uz



Лицензия РТ № 0000411

Setco

Тел.: 137-60-66, 137-69-69
http/ www.setko.nm.ru

**СИСТЕМНАЯ ИНТЕГРАЦИЯ**

**СТРУКТУРИРОВАННЫЕ КАБЕЛЬНЫЕ СИСТЕМЫ**



**КОМПЬЮТЕРНЫЕ, ТЕЛЕФОННЫЕ СЕТИ ЛЮБОГО УРОВНЯ**

МОНТАЖ, ПУСКО-НАКЛАДКА, ГАРАНТИЙНОЕ ОБСЛУЖИВАНИЕ


Қашқадарё вилояти ҳокимлиги вилоят Ички ишлар бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги
**Абдукарим ЮЛБАРИСОВнинг**
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

«O'zikkilamchirahglimetall» ОТҲЖ жамоаси жамият бошқаруви раиси Жамолиддин Бобохоновга падари бузруквори
**Шамсиддин БОБОХОНОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон телевидениеси «Дўстлик» студияси жамоаси режиссёр Абдуқаҳҳор Ҳайдаровга падари бузруквори
**МАМАТҚУЛ отанинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси ва «Ўзбекистон матбуоти» журнали жамоаси журнал бош муҳаррирининг собиқ ўринбосари Абдуғани Абдуллаевга умр йўлдоши
**ФАРИДА аянинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.


«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

**Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ**

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко, М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Г. Прохоренко, Ш. Ризаев, А. Саидов (масъул котиб — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, О. Қаипбергенов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), А. Ҳайдаров, Ў. Ҳошимов.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 334. 30179 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшид ТОҒАЕВ ва Акбар БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
t -Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Санаев.
Навбатчи — С. Ҳайдаров.
Мусаҳҳиҳ — Б. Файзиев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 22.35 1 2 3 4 5 6